

# ЯНГИ

# ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 24 (24), 2020 йил 27 февраль, пайшанба



## НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЗАМОНАВИЙ КОМПАНИЯГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 февраль кун "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасини ислоҳ қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мазкур мажмуа мамлакатимизда энг йirik санаот корхонасидир. Бу ерда олтин, уран, нодир металллар, қурилиш ва дастахоналик санаоти учун зарур маҳсулотлар, кенг турдаги халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади. Комбинат юртимиздаги жами санаот маҳсулотининг 10 фоизини бюджет даромадининг 18 фоизини таъминлайди. Унда 54 мингдан зиёд ходим ишлайди.

Навоий кон-металлургия комбинати хомашё ресурсларининг ҳажми бўйича жаҳондаги олтин ишлаб чиқарувчилар орасида учинчи ўринда туради. Лекин активларининг қиймати хорижий компанияларникига нисбатан анча кам. Масалан, ҳозирги кунда комбинатнинг баланси қиймати 1,3 миллиард доллар бўлса, шу даражадаги хорижий корхоналарнинг бозор нархи 11 миллиард долларни ташкил этади.

Шу боис НКМКни замонавий компанияга айлантириш мақсад қилинган. Давлатимиз томонидан бу борада комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Навоий кон-металлургия комбинатини 2026 йилгача ривожлантириш дастури

изчил амалга оширилмоқда. Унинг доирасида 2017-2019 йилларда 1,2 миллиард доллар маблағ эвазига 8 та объект ишга туширилган. Натижада охириги уч йилда олтин ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 фоиз, кумуш олиш 37 фоизга ошган.

Утган ойда Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада Президентимиз Навоий кон-металлургия ва Олмалик кон-металлургия комбинатлари каби йirik санаот корхоналарида янги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш билан бирга, ушбу корхоналарни халқаро молия бозорининг тўлақонли иштирокчисига айлантириш лозимлигини таъкидлаган эди.

Йиғилишда шу борадаги режа ва чора-тадбирлар қўриб чиқилди. Навоий кон-металлургия комбинатининг таркибий тузилмасини такомиллаштириш, корпоратив ошкораликни татбиқ этиш, ҳисоб-китобларни халқаро стандартларга ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

2026 йилга қадар корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини 94 тоннага етказиш, бунинг учун 4 миллиард долларлик 40 та лойиҳани амалга

ошириш кераклиги таъкидланди. Жумладан, лойиҳа қиймати 525 миллион доллар бўлган янги конни ўзлаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Комбинатнинг бугунги кундаги 3,7 минг тонна олтин захираси халқаро стандартлар асосида баҳоланиб, корхона балансида акс эттирилиши зарурлиги белгиланди.

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва Молия вазирлигига захираларни баҳолаш ишлари ҳамда молиявий ҳисоботларни халқаро меъёрларга ўтказиш вазифаси қўйилди. Конлар захираси ва қазимиш тўғрисидаги ҳисоботлар, қазиб олиш лойиҳалари бўйича маълумотларни Австралия кодекси (JORC Code) асосида тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди.

Навоий кон-металлургия комбинатининг корпоратив еврооблигацияларини чиқариш масаласига тўхталиб ўтилди.

Корхона раҳбари ва вазирлар юрридаги вазифалар ижросини ташкил этиш юзасидан ҳисобот берди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

26 февраль куні Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдуғон билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркия етакчисини таваллуд куні билан самимий табриклаб, унга бахт-саодат ва янги зафарлар, дўст Туркия халқига эса фаровонлик тилади.

Президент Режеп Таййип Эрдуғоннинг мамлакатни барқарор ривожлантириш, халқаро майдондаги нуфузини оширишдаги

тарихий ўрни алоҳида қайд этилди. Давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси юксак баҳоланди.

Президентлар шу ой Туркияга амалга оширилган олий даражадаги ташрифнинг самарали натижаларини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Мулоқот чоғида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш бўйича икки томонлама келишувларни амалга ошириш масалалари батафсил қўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ўз вақтида амалга ошириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, Президентлар минтақавий ҳамкорлик ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

ЎЗА



МУНОСАБАТ

## МЕҲНАТ БОЗОРИДА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС ЎЗ ЎРНИНИ ТОПАДИ

Аҳмаджон СОЛИЕВ, Наманган муҳандислик-технология институти профессори, Адхамжон ФАТТОХОВ, Тошкент давлат иқтисодий университети профессори

Президентнинг Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаси халқимиз томонидан янги Ўзбекистоннинг янги тарихини бошлаб берувчи, ўта чуқур мазмунли ҳужжат сифатида ўрганилмоқда.

Жаҳон мамлакатларининг зиёли-олимплари, бизнесмен ва жамоатчилик вакиллари ҳам Мурожаатномада илгари сурилган гоя ва ташаббуслар Ўзбекистоннинг жаҳон ҳам-жамиятига кўпроқ интеграциялашуви асосида кейинги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда самарадорлигини оширишга қаратилганини эътироф этмоқда. Кейинги йилларда таълим тизимида, айниқса, унинг ўрта махсус бўғинида

келиб чиққан муаммолар, ёшларни иш билан таъминлаш жараёни тартибга солилмагани уларнинг чет мамлакатларга стихияли миграцияси ривожланишига олиб келди.

Бундай оғрикли масалаларни ҳал этиш учун Президентимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларнинг амалда бажарилиши ўз самарасини бера бошлади. Чет эл олий таълим муассасалари билан интеграциялашуви жараёни

тезлашди. Бироқ таълим тизими маҳсулоти бўлган малакали мутахассисларни тайёрлаш, иқтисодий, ижтимоий тармоқларга тақсимлаш, ортиқчасини экспорт қилиш жараёнида бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари ва механизмларидан кенг фойдалана олмасак, яхши натижага эришиб бўлмайдим.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 февраль куні Япония ва Корея Республикаси билан икки томонлама инвестициявий ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилиш ўтказди.

2019 йил 18-21 апрель кунлари Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин мамлакатимизда, 17-20 декабрь кунлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Японияда ташриф билан бўлди. Учрашув ва музокаралар натижасида салмоқли ҳукуматлараро ва идораларларо ҳужжатлар имзоланди, савдо-иқтисодий ва инвестициявий келишувларга эришилди.



Ўтган йил якунларига кўра, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 400 миллион доллардан ортди. Бугунги кунда юртимизда Кунчиқар мамлакат иштирокида ўттизга яқин корхона фаолият юритмоқда.

Япониялик шериклар билан ҳамкорликда геология, кимё ва нефть-кимё, банк-молия, соғлиқни сақлаш ва таълим каби соҳаларда умумий қиймати 6,6 миллиард долларлик 48 лойиҳа амалга оширилаётгани таъкидланди.

Корея Республикаси билан ҳам иқтисодий алоқалар салмоқли даражада ривожланмоқда. Хусусан, 2019 йил якунига кўра, икки томонлама савдо ҳажми 2018 йилгига нисбатан 27 фоизга, жумладан, экспорт 30,1 фоизга ошди. Ўтган йилнинг ўзида Ўзбекистонда Жанубий Корея сармоялари иштирокида 198 та корхона ташкил этилди, уларнинг умумий сони 800 дан ошди.

**KOISA**  
Korea International Cooperation Agency  
Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOISA) техник кўмаги билан 2019 йилда соғлиқни сақлаш ва стандартлаштириш бўйича умумий қиймати 13 миллион долларлик иккита грант лойиҳаси доирасида иш олиб борилди, 29,6 миллион долларлик яна 6 лойиҳа амалга оширилмоқда. 2020-2022 йилларда умумий қиймати 72,2 миллион долларлик яна 10 та лойиҳа масаласи ўрганилмоқда.

Умуман олганда, Япония ва Жанубий Корея билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 40 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини 4,1 миллиард долларга, экспорт ҳажмини эса 1,14 миллиард долларга ошириш назарда тутилган.

## ИҚТИСОДИЁТ

### РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР: ТЕЗ, ҚУЛАЙ ВА ХАВФСИЗ

Абдусаттор БОБОЁРОВ, Самарқанд давлат университети доценти

Ахборот-коммуникация технологияларининг кундалик ҳаётимизда турли соҳаларга татбиқ этилиши кўплай имкониятлар эшигини очмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда рақамли технологиялар банк, солиқ, чакана савдо, божхона хизматлари, транспорт, таълим, коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, давлат хизматлари, архив ва бошқа соҳаларда кенг қўлланмоқда.



Давоми 5-бетда

## Ижтимоий тадбиркорлик – янги иш ўрни демак

Зулайхо АКРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Аҳоли сонининг ўсиши эҳтиёжлар салмоғи ортиши билан ҳамоҳанг кечиши янгилик эмас. Меҳнат бозоридаги рақобат ва ҳар йили унга кириб келувчи ишчи кучи сони давлатимиз олдида мунтазам муҳим ижтимоий масалаларни қўймоқда.

Давоми 2-бетда





ЯНГИ ТИЗИМ



Кўп квартиралли уйларни бошқариш бўйича эксперимент ўтказилади

Назиржон НАЗИРОВ, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ўринбосари

Мамакатимизда кўп квартиралли 35 мингтага яқин уй мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич кун сайин ўсиб бормоқда...

Бино ва иншоотларни таъмирлаш-тиклаш ишларини бажаришнинг қоиди ва муддатларига риоя этилмагани, кўп хонадонли уйларга туташ худудларнинг ҳолати санитария-гигиена меъёрларига жавоб бермайд...

ЯНГИ ҚОНУНГА ЭХТИЁЖ БОР ЭДИ

Қайд этиш кераки, юқорида қайд этилган қонун ўшбу соҳани тартибга солишчи қонун ҳужжатларининг ўзинчи версияси ҳисобланади...

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

“ЎЗАРХИВ”: МАЪЛУМ ҲУЖЖАТЛАР МАХФИЙЛИКДАН ЧИҚАРИЛАДИ

Лутфулла СУВОНОВ

Ахборотга эҳтиёж доимий ва муҳим. Унинг қиймати эса фақат янгилиги билан ўлчанмайди. У қанчалик қадимий бўлса, шунча қимматли ҳамдир...

ТИЗИМДА ТУБ БУРИЛИШ

Кейинги уч йилда тизимга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Худудлардаги архивларга янги замонавий бинолар қуриб берилди...



Иши ва иш юритишнинг норматив ва услубий базасини такомиллаштириш, архив ҳужжатларини махфийликдан чиқариш ишларини фаоллаштириш орқали архив ахборотларидан фойдаланувчилар сонини кенгайтириш...

МАБЛАҒ ВА ВАҚТ ЙЎҚОТИЛМАЙДИ

Юқорида номи қайд этилган икки ҳужжат архивлар фаолиятига бир қатор янгиликларни олиб киришда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда...

СЕМИНАР

Журналистларнинг ҳуқуқий билими оширилмоқда

Соҳиба МУЛЛАЕВА

Тошкентда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ОАВ ходимлари учун ўқув курси ташкил этилди...

Ҳуқуқий онг ва маданият ҳар бир киши учун муҳим. Соҳага оид қонунларни мукаммал билимас эканми, ҳар қандай ишда профессионалликка эришиб бўлмайди...

Республикаси журналистнинг чет элдиги учун муҳим. Соҳага оид қонунларни мукаммал билимас эканми, ҳар қандай ишда профессионалликка эришиб бўлмайди...

Бугун PR (public relation) номи билан оммалашган жамоатчилик билан алоқалар тизими барча соҳаларни қамраб олмақда.

Матбуот хизмати ходимлари учун тренинг

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Шу йилнинг 24-26 февраль кунлари Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан ташкил этилган “Самарали PR-хизмат: замонавий тендециялар ва зарурий қўниқмалар” мавзусидаги уч кунлик семинар-тренингда иштирокчиларга мазкур йўналишда янги билимлар берилди...

Тошкент вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси матбуот хизмати ходими Ражаб Қуръёнов. — Унда иштирокчилар ташкил тизимида PR фаолиятни ташкил этиш ва бошлаш, PR матлар ёзиш ва уларни режалаштириш, PR стратегияларини тузиш ва уларнинг самарасини мониторинг қилиш каби йўналишларда олган назарий билимларини амалиётда интерфаол машғулотлар орқали мустахкамлаб олдилар...

қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, таъкидлаш кераки, биргина ўтган йили агентликка 224 минг нафардан ортиқ фуқаро шахсан ташриф буюрган. Мана шундай ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш мақсадида “Ўзархив” агентлиги томонидан фуқароларга давлат пенсияларини тайинлашда иш ҳақи ва иш стажи тўғрисидаги архив маълумотномаларини олиш бўйича ягона ахборот тизими яратилмоқда...

Айни пайтда 2008 йилдан буён шакллантириб келинаётган Республика архивларида ҳужжатлари сақланаётган 70 минг 421 та шаклланган архив маълумотлар базасини такомиллаштириш ва Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жағвармаси базасига интеграциялаш устида иш олиб борилаётган...

Соҳада халқро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун агентлик Россия Федерацияси, Қозоғистон, Миср Араб Республикаси, Украина, Корея Республикаси, Бирлашган Араб Амириклари, Туркия Республикаси ҳамда Венгрия билан архив иши соҳасида ҳамкорлик бўйича меморандумлар имзолаган...

1917 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИ МАХФИЙЛИКДАН ЧИҚАРИЛАДИ

Айни вақтда архив тизимида 2500 га яқин махфий ҳужжат йиғма жилдлари бор. Улар махфийликдан чиқарилиши билан илмий-тадқиқот ишлари учун янги ва қимматли маълумотлар юзга чиқади, фойдаланувчилар сони ортади...

Давлат архивларида сақланаётган тарихий даври 1917 йилгача бўлган архив ҳужжатларини ўрнатилган тартибда махфийликдан чиқариш бўйича чоралар кўрилмақда...

Алоҳида қимматли ва ноёб архив ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар “Ўзархив” агентлиги ва миллий архивлар веб-сайтлари, Агентликнинг ижтимоий тармоқларида расмий каналлари орқали эриштирилимоқда...



